



## Бу янгиланмайдиган архив саҳифа.

[Саҳифаларни архивлаштириш борасида маълумот \(инглиз тилида\)](#)

## Ўзбек мухолифати: Конституция ҳақиқатдан мукамал бир қомусми?

Сўнги янгилаш 8 декабр 2012 - 16:51 GMT

[Facebook](#)[Twitter](#)[Google+](#)[Мой Мир](#)[Чоп қилиш](#)

"Қонун фақат қоғозда ва бир декларацияга ўхшаб қолган. Чунки амалда бу яхши ният кўзга ташланмади".

**Мустақилликнинг 20 йили ичида ҳукуматга қарашли оав конституциянинг мукамаллигини, дунё талабларига жавоб беришини мадҳ қилиб келади.**

Бироқ бу йиллар ичида Ўзбекистондан сиқиб чиқарилган мухолифат, инсон ҳуқуқлари фаолларининг фикри бунинг тескарисини таъкидлайди.

Муҳташам Форумлар саройида ташкил қилинган тантанали йиғилишда президент Ислоҳ Каримов йиғилганларни конституция куни билан табриклаган ва аънага мувофиқ кейинги йилнинг номини "Обод турмуш йили" деб аташни таклиф қилган.

Ўзбекистондан сиқиб чиқарилган мухолифат конституция амалда ўз ўрнига эга эмаслигини таъкидлайди. Ўзбекистон Халқ ҳаракатидан Намоз Нормўмин ана шундай фикрловчи мухолифат вакиллари билан бири.

"Албатта, бу конституция амалда эмас. У фақат қоғозда ва бир декларацияга ўхшаб қолган. Чунки амалда бу яхши ният кўзга ташланмади. Конституцияда яхши нарсалар ёзилган аммо, президент Каримов ва Ўзбекистон ҳукуматининг олиб бораётган сиёсати тамоман бунинг тескариси", дейди Намоз Нормўмин.

Конституциянинг 29-моддаси. Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга. Ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга, амалдаги конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборот ва қонун билан белгиланган бошқа чеклашлар бундан мустаснодир. Фикр юритиш ва уни ифодалаш эркинлиги фақат давлат сири ва бошқа сирларга тааллуқли бўлган тақдирдагина қонун билан чекланиши мумкин.

Аммо кузатувчиларга кўра Ўзбекистон ҳукуматни танқид қилишга қаратилган ҳар қандай фикр ва ахборот кескин қаршиликларга учрайди.

"Инсоннинг инсонлигини белгилайдиган жиҳат, унинг эътиқоди ва фикрини ташқарига айта олиши ва кўрсата олишидир. Биз Каримов ҳукуматини танқид қиларкан, шу нарсани талаб қилганмиз. Сиз инсонларга сиёсий эркинликларни бермаяпсиз. Сиз инсонларга, иқтисодий, ижтимоий, эътиқодий эркинликларни бермаяпсиз. Натижада инсон, халқ ўзини кўрсата олмаяпти", - дейди Намоз Нормўмин.

Айни дамда муҳожириликда яшаётган "Ўнюраллар клуби" раҳбари Мўтабар Тожибоева конституциянинг инсон ҳуқуқлари борасидаги моддалари умуман амалда жорий қилинмаганини айтади. Унга кўра, аввало, конституциянинг 93 моддаси, Ўзбекистон республикаси президенти фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига, Ўзбекистон конституцияси ва қонунларига риоя этилишининг кафилидир, қисми амал қилиши лозим.

Ўзбекистонда бир неча бор судланган Мўтабар Тожибоева конституцияда ёзилган ҳуқуқларнинг ижросини сўраб, ҳар бир тегишли идора ва президентга бир неча марта мурожаат қилган, аммо бирор ижобий жавоб ололмаган.

"Бугунги кунда Ўзбекистонда, ноҳақ, жиноий жавобгарликка тортилаётган ҳар қандай инсоннинг иши судда қонуний тартибда ошқора кўриб чиқиладигани йўқ.

Уларнинг айби аниқланмагунча, айбдор ҳисобланмаслиги ҳуқуқи таъминлангани йўқ. Энг асосийси, суриштирув ва тергов вақтида гумонланувчи ва айланувчининг қийноққа солингани ҳақидаги суд жараёнида берилган кўрсатмаларга эътибор қилинмайди", - дейди Мўтабар Тожибоева.

Конституциянинг яна бир моддасида, Диний ташкилотлар ва бирлашмалар давлатдан ажратилган ҳамда қонун олдида тенгдирлар. Давлат диний бирлашмаларнинг фаолиятига аралашмайди, дейилган.

Аммо ҳуқуқ ҳимоячиси Мўтабар Тожибоева кўра давлат диний бирлашмаларнинг ишига амалда аралашини ва Ўзбекистондаги диний қўмиталар ҳукумат ташвиқот машинасига айланиб қолган. Ҳуқуқ ҳимоячиси қамоқ жазосини ўтаган колонияга диний қўмита вакиллари келиб, давлат топшириғини бажарганини гувоҳ бўлган.

"Диний қўмита вакиллари билан учрашувларда, маҳкумаларнинг ноҳақ терроризм ва диний экстремизмда айбланганлигини, ҳаттоки ўзим ҳам 244 модда билан айбланганлигимни ва ҳанузгача қайси диний оқимга аъзолигимни билмаслигимни сўрардим. Диний қўмита вакили билан суҳбатимиздан кейин мени, албатта, жавобгарликка тортиб ўша куннинг ўзида изоляторга қамардилар", - дейди Мўтабар Тожибоева.

Кузатувчилар Ўзбекистонда ижтимоий тангликнинг олдини олиш учун конституцияда ёзилган ҳуқуқ ва бурчларга амал қилиниши таъминланиши лозимлигини таъкидлашади.

Ҳуқуқбон Мўтабар Тожибоева конституция моддалари амал қилиши учун ҳукумат фуқарлик жамияти вакиллари фаолиятига изн бериши лозимлигини урғулайди.

"Фуқаролик жамияти фаолларига бўлаётган босимлар. Уларнинг телефони эшитиши, уйларига бостириб кирилиши, уларнинг кетидан доимий кузатиб юрилиши, уларнинг шаъни ва обрўсига тажоввуз қилиниб, матбуотда мақолалар эълон қилинишини тугатиш керак", - дейди Мўтабар Тожибоева.

Азиз Ўқувчи!

Би-би-си Ўзбек хизмати Сизнинг фикр ва мулоҳазаларингизга ҳам ўрин беради.

Саҳифамиздаги ҳар бир хабар, аудио-видео материаллар, суратлар ва барча мавзуларга доир фикрларингизни махсус формадан фойдаланиб бизга йўллашингиз мумкин.

Шунингдек, [uzbek@bbc.co.uk](mailto:uzbek@bbc.co.uk) электрон почтамызга мактуб ёзинг.

Биз ва дунё бўйлаб ўқувчиларимиз билан ўз ҳикояларингиз, суратлар ҳамда аудио-видео материалларингизни баҳам кўринг. Би-би-си мактубларни таҳрир қилиш ҳуқуқига эга.

[бу ерга босинг](#) [Бош саҳифага қайтиш](#)

[Facebook](#)

[Twitter](#)

[Google+](#)

[Мой Мир](#)

[Чоп қилиш](#)

#### Биз билан боғланинг

\* Тўлдириш шарт бўлган жойлар

Сизнинг муносабатингиз:

Сиз билан боғланиш учун контакт деталлари:

Исм-шариф:  Шаҳар:  Email: \*  Телефон:

Сизнинг номангиз:

Шарҳ \* (Кўпи билан 500 белги)

Рад этиш:

Мен дастур тайёрловчиларнинг мен билан боғланишларига розиман

[Юбориш](#) | [Қайта ёзиш](#)

**Ушбу мавзуга оид кўпроқ материаллар**

**Яна ушбу мавзуга оид**

[Ўзбекистонда келаётган янги йил "Обод турмуш йили" деб эълон қилинди](#)

07.12.12

[Ўзбекистон](#)

[Ўзбекистоннинг асосий қонуни қабул қилинганига 20 йил тўлди](#)

08.12.12

[Марказий Осиё](#)

["Мустаҳкам оила йили" четдаги юз минглаб оилалар эгаларига нима бераркин?](#)

08.12.11

[Ислом Каримов](#)

**Алоқадор мавзулар**

[Марказий Осиё](#),

[Ўзбекистон](#),

[Ислом Каримов](#)

**Видео ва аудио**




[Туркия, Туркия - 'азамат ўлка'!](#)




[Номаълум асирлар тарихи-видео](#)

[Томоша қилиш07:29](#)



["Талаба йигит пешонамга ватан хоини деб ёзиб қўйганди"](#)

[Томоша қилиш11:41](#)



["Хуррият 2014": "Ватандан йироқда туриб ҳам унда яшаш мумкин"](#)

[Томоша қилиш07:17](#)



[Фарб киночилари панжасига панжа ураётган ўзбек қизи](#) [Томоша қилиш07:50](#)



[Афғонистон ўзбеклари мусиқаси Парижда](#) [Томоша қилиш07:14](#)



[Фарғона тонг отгунча...](#) [Томоша қилиш17:45](#)



[Бу дунёнинг 'қилқўприги' қаерда?](#) [Томоша қилиш01:57](#)



[Нимага эришдик? Тунислик рэппер инқилобни савол остига олади](#) [Томоша қилиш04:04](#)



[Эркин Аъзам бугунги ўзбек адабиёти ва санъати ҳақида](#) [Томоша қилиш05:20](#)



[Икки қатағон анатомияси: Шукрулло ва М.Маҳмудов](#) [Томоша қилиш18:02](#)




[Қуръони Карим маънолари ўзбек тилига шеърий таржима қилинди](#) [Томоша қилиш17:23](#)



[М.Маҳмудов: Камоқда мени ёзувчилигим асраб қолди](#) [Томоша қилиш04:51](#)



[Тожиклар нега Хитойга юзланишмоқда?](#) [Томоша қилиш01:45](#)



[Аёл, ахволинг қандай? Би-би-си лойиҳаси](#) [Томоша қилиш02:56](#)



[Бойга боққан бозор ё ялтир-юлтирлар дунёси](#) [Томоша қилиш02:29](#)



[Бир миллион долларни осмондан сочишди](#) [Томоша қилиш00:49](#)



[Видео: Татуировканинг маъноси борми?](#) [Томоша қилиш05:41](#)

**Муҳаррир танлови**



[Осиё Ўйинлари: Ғалаба онлари](#)

[Ўзбек ҳукумати четга чиққанлардан воз кечишга тайёр](#)



[Тинглаш11:50](#)

[Гулнора Каримованинг вакили: Ўзбекистонда қонунлар ишламаяпти](#)



[BBCUzbek веб-сайти ўзгарди](#)

[Ҳомид Карзайнинг ўтган 13 йиллик бошқарув даври суратларда](#)



[Бош прокуратура: Г.Каримова ишининг Оврўлодаги текширувга алоқаси йўқ](#)



[Муҳолифатчи аёли: "Мени ўзбек фуқаролигидан чиқариб юборишибди"](#)



[Тинглаш03:52](#)

[Исломий партия: 'туҳмат' кампаниясидан азиятдамиз](#)



**Би-би-си Ўзбек хизмати Интернетда**

[Би-би-си Ўзбек Facebookда](#)

[Like](#)

[Би-би-си Ўзбек Twitterда](#)

[Follow](#)

[Би-би-си Ўзбек YouTubeда](#)

[Обуна бўлинг](#)

[Би-би-си Ўзбек Мой мирда](#)

[Like](#)

[Бош саҳифа](#)

[Ўзбекистон](#)

[Минтақа](#)

[Дунё](#)

[Мултимедиа](#)

[Спорт](#)

[Фан ва Маданият](#)

[Махсус лойиҳа](#)

[Lotinda](#)

[اڧغانىستان](#)

**Хизматлар**

[RSS](#)

[Мобил Телефонлар](#)

[E-MAIL ЯНГИЛИКЛАР](#)

[Сизнинг ижодингиз](#)

**Бошқа Би-би-си сайтлари**

[BBC Russian](#)

[BBC Azeri](#)

[BBC Kyrgyz](#)

[BBC Turkish](#)

[BBC Tajik](#)



[Mobil versiyasi](#)

[Foydalanish shartlari](#)  
[Shaxsiy ma'lumot siyosati](#)

[BBC haqida](#)  
[Saytga kirish yordami](#)  
[Би-би-си билан уланинг](#)

BBC © 2014 BBC tashqi sahifalar uchun ma'sul emas.